



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 129 (13.726)

Баҳоси эркин нарҳда

## МАМЛАКАТИМИЗДА ТИНЧ МАҚСАДЛАРДА ФОЙДАЛАНИШ УЧУН АТОМ ЭНЕРГЕТИКАСИ БАРПО ЭТИЛАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 10 июль куни мамлакатимизда мутлақо янги соҳа бўлган атом энергетикасини барпо этиш бўйича ташкилий-техник чора-тадбирларни амалга ошириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказилди.**

Дунёда газ, нефть, кўмир ва бошқа манбаларга бўлган талаб кун сайин ортомқоқда. Бу, ўз навбатида, ушбу ресурслар захирасининг кескин камайиб кетишига олиб келаётди. Шунинг учун бутун башариёт — эҳтиёж учун ишлатиладиган ресурсларнинг муқобилидан фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Шулардан бири тинчлик мақсадлари йўлида атом электр энергетикасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирда жаҳоннинг 30 дан зиёд мамлакатда атом электр станцияларидан самарали фойдаланилмоқда. Бу мамлакат иқтисодидига катта фойда келтириши билан бирга, табиий ресурслар тежалишига хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда электр энергиясига бўлган талаб 69 миллиард килловатт-соатни ташкил этади. Бу қувватнинг қарийб 85 фоизи газ ва кўмир ёқиш орқали, қолган 15 фоизи гидроэлектр станцияларида ишлаб чиқарилади. Бунинг учун йилига 16,5 миллиард куб метр табиий газ, 86 минг тонна мазут ва 2,3 миллион тонна кўмир сарфланади.

Ҳисоб-китобларга кўра, иқтисодиёт ўсиши, аҳоли сон ва турмуш даражаси ортиши эвазига 2030 йилда электр энергиясига бўлган талаб 117 миллиард килловатт-соатга етади. Бунинг учун янги қувватлар ташкил этиш керак бўлади.

— Агар ушбу қувватни таъминлаш учун табиий газ ва кўмирдан фойдаланишни давом эттирсак, уларнинг мавзуд захираси маълум вақтдан кейин тугаб қолиши мумкин. Бу эса келажак авлод олдидега кечириб бўлмайдиган хато ва жиноят бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу борада мамлакатимизда тинч мақсадларда фойдаланиш учун экологик тоза ва узоқ муддат тугамайдиган

атом энергетикасини барпо этишга киришилди. Россиянинг "Росатом" давлат корпорацияси билан ҳамкорликда атом электр станциясини қуриш бўйича келишувга эришилди. Мазкур комплекс 2 энергоблокдан иборат, ҳар бирининг қуввати 1 минг 200 мегаватт бўлади. Уни 2028 йилгача тўлиқ ишга тушириш режалаштирилган.

Атом электр станцияси барпо этилиши натижасида йилига 3,7 миллиард куб метр табиий газ тежалади. Бу манба қайта ишланиб, юқори қўшилган қийматли нефть-кимё маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Агар тежалган газни қайта ишламасдан экспорт қилган тақдирда ҳам, Ўзбекистонга йилига 550-600 миллион доллар валюта тушади.

Атом энергияси экологик тоза, бундай станциялар зарарли ис газини ҳосил қилмайди. Натижада мамлакатимизда табиий газни ёқишдан ҳосил бўладиган ва атоф-муҳитга тарқаладиган ис газни ҳажми йилига 3 миллион тоннага камайд.

Йиғилишда атом электр станциясини қуриш, ундан фойдаланиш билан боғлиқ ташкилий-техник ва амалий ишлар муҳокама қилинди.

Президентимиз шундай объектларни қуриш бўйича ривожланган давлатлар тажрибаси асосида иш тутиш, атом электр станциясини жойлаштириш бўйича техник шартларни ишлаб чиқиш ва геологик-қидирув ишларини сифатли бажариш бўйича топшириқлар берди.

Мамлакатимизда янги бўлган ушбу соҳага доир норматив-ҳуқуқий база яратиш, "Атом энергиясидан фойдаланиш тўғрисида"ги қонун ва тегишли қарор лойиҳаларини ишлаб чиқиш, уларнинг МАГАТЭ талаблари ва халқаро ҳужжатларга мувофиқлигига алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди.

— Бу борадаги барча ишларни мувофиқлаштириш, ҳужжатларни тайёрлаш, лойиҳалаштириш ишлари ва музокаралар олиб бориш учун Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида янги ташкилот тузиш керак. Шу билан бирга, ушбу ташкилот ҳузурида атом электр станцияси қуриш дирекциясини ҳам тузиш зарур. Кейинчалик ушбу дирекция атом электр станциясининг оператори бўлиб қолади, — деди давлатимиз раҳбари.

Маълумки, атом электр станцияси қуриш ва ундан фойдаланишда энг замонавий ва мураккаб технологиялар қўлланилади. Бунинг учун эса чуқур билим ва юқори малакага эга бўлган мутахассислар керак. Шу боис Тошкентда физика соҳасида дунёда етакчи таълим муассасаларидан бири ҳисобланган Москва муҳандислик-физика институти филиалини очиш мўлжалланмоқда.

Шунингдек, физика ва техника йўналишларидаги олий ўқув юрталарини битирган салоҳиятли кадрларни танлаб олиб, уларни Москва ва Минск шаҳарларида ўқишга ҳамда атом электр станцияларида тажриба ортиришга юбориш бўйича кўрсатма берилди.

— Ушбу лойиҳани амалга оширишда мутлақо бошқача тизим яратамиз, бу борада бирон-бир бюрократик тўсиқлар бўлишига умуман йўл қўйилмайди, — деди Президентимиз. — Чунки ҳар томонлама узоқни кўзлаб режалаштирилган экологик тоза ва зарарсиз ушбу йирик лойиҳа мамлакатимиз иқтисодий тараққиётига, халқимиз турмуш фаровонлигини янада оширишга хизмат қилади.

Йиғилишда ҳар бир босқичдаги ишларни пухта ишлаб чиқиш ва амалга ошириладиган ишлар натижадорлигини қатъий назоратга олиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ў.А

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## “БУХОРО-АГРО” ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

Ташки бозорларда талаб катта бўлган, юқори қўшилган қийматли рақобатбардош маҳсулотлар етиштиришни таъминлайдиган замонавий иссиқхона ҳўжаликларини ташкил этишга хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш учун қулай шароитларни шакллантириш, шунингдек, Бухоро вилоятининг ишлаб чиқариш ҳамда ресурс салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланиш, шу асосда янги иш ўринлари ташкил этиш ҳамда аҳоли даромадларини ошириш мақсадида:

1. Бухоро вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, "Ўзбекизоқвотхолдинг" ХКнинг Бухоро вилоятида "Бухоро-агро" эркин иқтисодий зонасини (кейинги ўринларда "Бухоро-агро" ЭИЗ деб юритилади) 1-иловага мувофиқ ҳудудлар чегаралари доирасида ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Бухоро вилояти ҳокимлиги: Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда "Бухоро-агро" ЭИЗ таркибига киритиладиган ер майдонларининг чегаралари аниқ белгиланишини ва ерларнинг белгиланган тартибда ажратилишини таъминласин;

манфаатдор идоралар билан биргаликда илғор технологияларни қўллаган ҳолда замонавий иссиқхоналар қуриш учун конструкциялар ва жиҳозлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган маҳаллий корхоналар ташкил этиш чораларини кўрсин.

3. Қуйидагилар "Бухоро-агро" ЭИЗнинг асосий ва-зифалари ва фаолияти йўналишлари этиб белгилансин:

замонавий иссиқхона ҳўжаликларини, жумладан, гидропоника технологияларини қўллаган ҳолда, кластер усули асосида ташкил этиш учун тўғридан-тўғри хорижий ва маҳаллий инвестициялар жалб этиш, шунингдек, замонавий энергия тежовчи иссиқхоналар қуриш учун конструкциялар, жиҳозлар ва бошқа бутловчи буюмлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

ҳудуднинг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш асосида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қайта ишлашни чуқурлаштириш ва уларнинг экспорт ҳажмини ошириш;

қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг уруғдан то маҳсулотни бозорга етказиб беришгача бўлган тўлиқ жараёнини ташкил этишни рағбатлантириш;

кўчатзорлар, шунингдек, бирламчи уруғчиликни ташкил этиш учун шароитлар яратиш орқали иссиқхона ҳўжаликларини талаби катта, юқори ҳосилдорликка эга бўлган қишлоқ ҳўжалиги экинлари уруғ ва кўчатлари билан таъминлашнинг самарали механизmlарини жорий этиш;

логистика хизматлари кўрсатишнинг замонавий инфраструктурасини шакллантириш, қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқариш субъектларига улар томонидан етиштирилган маҳсулотлар экспортини ташкил этишда қўмаклашиш;

(Давоми 2-бетда)

## ЯПОНИЯДА БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ БЎЙИЧА РЕЗОЛЮЦИЯСИ ҲАҚИДА

**Ўзбекистон ташаббуси билан қабул қилинган БМТ Бош Ассамблеясининг "Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш" резолюцияси хорижий мамлакатлар эксперт доиралари вакиллари орасида катта қизиқиш уйғотди.**

Жумладан, Марказий Осиё ва Кавказ тадқиқот институтининг (Япония) ижрочи директори Тецужи Танака шундай деди:

— Ўзбекистон Марказий Осиёда ўзаро ишончни янада мустаҳкамлаш тарафдоридир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташки сибсатда эришган ютуқлари орасида минтақа давлатлари билан яхши қўшничилик алоқалари ўрнатилиши ва мамлакат халқаро обрўсининг оширилиши бўлди.

2017 йил ноябрь ойида бўлиб ўтган Самарқанд конференциясида иштирок этганимиз. Бу тадбирда Шавкат Мирзиёев яхши қўшничилик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик тамойиллари асосида Марказий Осиё давлатлари савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар соҳаларда ҳамда хавфсизлик ва барқарорлик масалаларида ўз салоҳиятларини самарали амалга ошириш имкониятига эга эканликларини таъкидлаган эди.

Шубҳасиз, БМТ Бош Ассамблеясининг Марказий Осиёда тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги резолюцияси сайё-ҳаракатларни бирлаштиришга, шунингдек, барча соҳаларда икки томонлама ва минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилади.

Токиодаги Шарқий Осиё Стратегик маркази эксперт Киёмису Такаги:

— Ўзбекистоннинг журнали амалий сайё-ҳаракатлар билан қувватланган конструктив ва тинчлик сари элтувчи ташки сибсий ташаббуслари халқаро майдонда жиддий қизиқиш уйғотмоқда. Тошкентнинг фаол ташки сибсати Марказий Осиёда яхши қўшничилик муносабатларининг ва минтақавий ҳамкорликнинг янги босқичи бошланишига олиб келди.

Минтақадаги сўнгги йирик ижобий ўзгаришларнинг халқаро даражада эътироф этилишининг мўҳим натижаси ўлароқ БМТнинг Марказий Осиёда изчил тараққиётни таъминлаш ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш истикболлари тўғрисидаги резолюциянинг қабул қилиниши бўлди. Ушбу ҳужжат минтақа мамлакатлари ва халқаро ҳамжамят ўртасида сибсат, иқтисодиёт, транспорт ва коммуникация, маданий-гуманитар соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш бўйича долзарб вазифаларни белгилаб берди.

Хавфсизлик масалаларга, хусусан, Афғонистондаги вазитияни барқарорлаштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу омил минтақадаги барча мамлакатлар хавфсизлигини ва изчил ривожланишини таъминлашда мўҳим аҳамиятга эга.

"Дунё" АА Токио

## АЁЛЛАРИМИЗ ИХТИРОЛАРИ ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФГА САЗОВОР БЎЛДИ

**Жорий йил 28 июнь – 3 июль кунлари Жанубий Кореяда "Корея халқаро иختирочи аёллар кўргазмаси – KIWIE-2018" халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди.**

Халқаро кўргазма ҳар йили аёлларнинг фан ва технология соҳасида эришаётган ютуқлари, тажрибалари ва иختироларини намойиш этиш ҳамда рағбатлантириш мақсадида ўтказилиб келинади.

Бу йилги кўргазмада 30 дан зиёд давлатдан 520 га яқин иختирочи хотин-қизлар техника, технология, тиббиёт, озиқ-овқат, енгил sanoat, кимё ва sanoatнинг турли йўналишларидаги ютуқлари, инновацион ишланмалари билан қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси

Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси ва кўмаги билан мамлакатимизнинг оlima аёллари бу кўргазмада илк бор иштирок этди ва уларнинг илм-фандаги ютуқлари халқаро миқёсда эътироф этилди.

Профессор Карима Норкулованинг "Болғачали тегирмон" номли модели озиқ-овқат sanoati йўналиши бўйича "Grand Prize"ни қўлга киритди. Шунингдек, олиманинг "Қуритиш қурилмаси" ва "Тугунақларни қуритиш усули" иختироси кумуш медалга муносиб топилди.

Яна бир тадқиқотчимиз – доктор PhD Малоҳат Илҳомованинг "Болалар пойабзали учун профилактик ич патак" модели, "Электр ўтказувчан пойабзал" иختироси учун кумуш, "Қиз болалар учун туфли" sanoat намунаси учун бронза медали тақдим этилди.

Профессор Парахат Матякубованинг "Сочилувчан моддаларнинг иссиқлик-нам ўлчогичи" иختироси эса кумуш медалга сазовор бўлди.

Н.УСМОНОВА,  
Ў.А муҳбири



## МАМЛАКАТИМИЗДА

● Наманганда "Инновацион ривожланиш даврида интенсив ёндашув истикболлари" мавзудида халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтмоқда. Наманган вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан ташкил этилган анжуманда Россия, Япония, Тожикистон, Малайзия, Португалия каби қатор давлатлардан олимлар, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тизимидаги илмий-тадқиқот институтлари, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, мутахассислар, тадқиқотчилар, магистрантлар, истеъдодли талабалар, шунингдек, ишлаб чиқариш соҳаси вакиллари иштирок этмоқда.

● Самарқанд вилоятида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси

сиёсий кенгаши ташаббуси билан "Тинчлик, фаровонлик ва тараққиёт йўлида бирлашайлик" мавзудидаги кўргазмали сайёр амалий семинарлар ўтказилди.

● Урганчда "Яшил чироқ" мусобақасининг мамлакат босқичи бўлиб ўтди. Мусобақа давомда иштирокчилар жамоавий сафда юриш тайёргарлиги, пиёдалар ҳаракатига оид саволлар, ёш велосипедчилар, гуруҳ сардорларининг беллашуви, макет ясаш, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, техник ижодиёт танлови, йўл ҳаракати қоидалари бўйича имтиҳон ва ташвиқот гуруҳларининг чиқиши каби йўналишлар бўйича баҳслашди.

● Қашқадарё вилоятининг Яқкабоғ тумани Алакўйлак маҳалласида 100 ўринли "Навоий дилбандлари" нодавлат мактабга таълим муассасаси иш бошлади. Тарбия масканида махсус ўқув хоналари, жиҳозлар, чет тилларини пухта ўзлаштириш учун қўлланмалар, кўргазмали воситалар кичкинтойларнинг рус ва инглиз тилларини ўрганишига хизмат қилаётди. Айна пайтада боғчада 108 болага 8 педагог ва тарбиячи таълим-тарбия бермоқда.

## ЖАҲОНДА

● Испаниянинг Памплон шаҳри кўчасида кўплаб мухлислар иштирокида Сан-Фермин миллий байрами доирасида ёш йигитларнинг буқалар билан бирга пойгаси уюштирилди. Биринчи кунда 825 метрлик масофа одатдагидек 3-5 эмас, икки дақиқаю ўттиз уч сония давомда босиб ўтилди. Пойга давомда жиддий жароҳатлар рўй бермаган бўлса-да, тўрт нафар йигитга тиббий ёрдам кўрсатилди. Ушбу гаройиб мусобақа 14 июлга қадар давом этади.

● Кеча Афғонистоннинг Жалолобод шаҳрида террорчилик ҳаракати содир этилди. Назоратдан ўтказиш нуқтасида ҳудудшу террорчининг ўзини ўзи портлатиб юбориши натижасида 10 киши ҳалок бўлди. Атрофдаги кўплаб машиналар ёниб кетди.

● Екатеринбургда "Иннопром" номли замонавий робот қурилмаларининг халқаро кўргазмаси очилди.

● "Прогресс МС 09" юк ҳаво кемаси жуда қисқа йўналишда узоқ масофани босиб ўтгани ҳолда халқаро космик станция билан туташди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

“БУХОРО-АГРО” ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Иссиқхона ҳўжаликларини ташкил этишда замонавий ресурс тежовчи технологияларни, муқобил иссиқлик энергиялардан фойдаланишни кенг жорий этиш; ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва маркировка қилиш бўйича халқаро стандартларга мувофиқ илмий-ишлаб чиқариш марказлари ташкил этиш ва уларнинг хулосалари халқаро даражада ЭТИРОФ этилишини таъминлаш чора-тадбирларини кўриш; иссиқхона ҳўжаликлари соҳасида юқори малакали мутахассислар тайёрлашда, жумладан, улар томонидан “Бухоро-агро” ЭИЗ ҳудудида фаолият юритаётган корхоналарда ишлаб чиқариш амалиётини ўташда иштирок этиш. 4. Белгилаб қўйилсинки: “Бухоро-агро” ЭИЗ таркибига киритилган ер майдонлари Бухоро вилояти Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгашининг бевосита тасарруфида бўлади; “Бухоро-агро” ЭИЗнинг фаолият кўрсатиш муддати у ташкил этилган кундан бошлаб, мазкур муддатни кейинчалик узайтириш имконияти билан 30 йилни ташкил қилади; “Бухоро-агро” ЭИЗнинг фаолият кўрсатиш муддати мобайнида унинг ҳудудида алоҳида солиқ ва божхона режими амал қилади; “Бухоро-агро” ЭИЗ иштирокчиси мақоми Бухоро вилояти Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгаши билан берилади. 5. Бухоро вилояти Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгаши: а) бир ой муддатда “Бухоро-агро” ЭИЗ дирекциясини ва унинг фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирларини кўрсин; б) ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, “Ўзбекзиковкатхолдинг” ХК ва тижорат банклари билан биргаликда: “Бухоро-агро” ЭИЗ ҳудудида лойиҳалар амалга ошириш учун тадбиркорлик субъектлари жалб этилишини, улар билан тизимли ишлаб олиб борилишини, шунингдек, лойиҳаларни “Бухоро-агро” ЭИЗ ҳудудида жойлаштириш бўйича инвестицион бюртмаларнинг сифатли ва ўз вақтида кўриб чиқирилишини; тадбиркорлик субъектларига “Бухоро-агро” ЭИЗ ҳудудида амалга оширилиши режалаштирилаётган инвестиция лойиҳаларининг бизнес-режаларини ишлаб чиқишда қўмаклашишни таъминласин. 6. “Бухоро-агро” ЭИЗ дирекцияси эркин иқтисодий зонанинг бутун фаолият кўрсатиши даврида асосий фаолият тури бўйича солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан озоод қилинсин. 7. “Бухоро-агро” ЭИЗ қатнашчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 октябрдаги “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4853-сон Фармонининг 3, 4 ва 5-бандлари қоидаларни татбиқ этилсин. 8. “Бухоро-агро” ЭИЗ ҳудудида замонавий иссиқхона ҳўжаликларини ташкил этишга доир тадбирларни мувофиқлаштириш ва амалга оширишга қўмаклашиш бўйича комиссия таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин. Комиссиянинг (С.Холмуродов) асосий вазифалари этиб қўйидагилар белгилансин: мазкур қарорда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш бўйича масул ижрочилар фаолиятини мувофиқлаштириш, шунингдек, ушбу тадбирларнинг самаралли, сифатли ва ўз вақтида бажарилишини ташкил этиш; “Бухоро-агро” ЭИЗ ҳудудида амалга оширилаётган лойиҳаларни молиялаштириш учун хорижий инвестицияларни, донор мамлакатларнинг, халқаро молия институтларининг кредитлари ва грантларини жалб этиш; “Бухоро-агро” ЭИЗ ҳудудида лойиҳалар амалга ошириш учун хорижий ва маҳаллий инвесторлар излашга ҳамда жалб этишга қўмаклашиш, улар билан музокаралар олиб бориш, шунингдек, уларга ўз фаолиятини ташкил этишда зарур ёрдам ва қўмақ кўрсатиш. 9. Белгилансинки, “Бухоро-агро” ЭИЗ ҳудудида амалга оширилаётган лойиҳаларни молиялаштириш халқаро молия институтлари, лойиҳа ташаббускорлари маблағлари, жумладан, тўғридан-тўғри инвестициялар,

шунингдек, тижорат банклари кредитлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади. Бунда лойиҳа ташаббускорининг лойиҳани амалга ошириш учун жалб этилаётган ўз маблағлари миқдори тегишли лойиҳа умумий қийматининг 25 фоизидан кам бўлиши мумкин эмас. 10. “Бухоро-агро” ЭИЗ ҳудудида ташкил этилган корхоналарга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 январдаги “Озиқ-овқат, чарм-пойабзал ва фармацевтика саноатида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш манбаларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2718-сон қарориде белгиланган кредитлар тақдим этиш тартиби ва шартлари татбиқ этилиши белгилансин. 12. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ, “Асака” АТБ ва бошқа тижорат банкларига лойиҳа ташаббускорларида гаров таъминоти етарли бўлмаган ёки мавжуд бўлмаган ҳолларда уларга технологик ускуналарни лизинг асосида харид қилиш имкониятини бериш тавсия этилсин. 13. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, “Ўзбекэнерго” АЖ, “Ўзтрансгаз” АЖ “Бухоро-агро” ЭИЗ дирекцияси билан биргаликда “Бухоро-агро” ЭИЗ ҳудудини, шунингдек, унинг иштирокчилари ишлаб чиқариш майдонларини ташқи йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфраструктураси билан қаролатили таъминласин. 14. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги: Қурилиш вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, “Ўзбекэнерго” АЖ, “Ўзтрансгаз” АЖ, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, Бухоро вилояти ҳокимлиги билан биргаликда уч ой муддатда “Бухоро-агро” ЭИЗ ҳудудида транспорт, ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфраструктурасини ривожлантириш дастурини тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин; Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда ҳар йили Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш давлат дастури параметрларини шакллантиришда “Бухоро-агро” ЭИЗнинг белгиланган тартибда тасдиқланган бош режаси асосида транспорт, ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфраструктурасини ривожлантириш учун капитал қўйилмалар лимитларини ҳамда зарур марказлаштирилган инвестициялар ажратилишини назарда тутсин. 15. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ва Бухоро вилояти ҳокимлигининг: Бухоро вилояти ҳокимлигининг “Ягона бюртмачи хизмати” инжиниринг компаниясини “Бухоро-агро” ЭИЗнинг бош режасини ишлаб чиқиш, шунингдек, йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфраструктурасини қуриш ҳамда реконструкция қилиш бўйича бюртмачи этиб; “Қишлоқ қурилиш лойиҳа” МЧЖни “Бухоро-агро” ЭИЗнинг бош режасини ишлаб чиқиш бўйича бош лойиҳалаш ташкилоти этиб белгиланган тартибда тақлифига розилик берилсин. 16. Бухоро вилояти ҳокимлигининг “Ягона бюртмачи хизмати” инжиниринг компаниясини “Қишлоқ қурилиш лойиҳа” МЧЖ билан биргаликда икки ой муддатда “Бухоро-агро” ЭИЗнинг бош режаси лойиҳаси ишлаб чиқирилишини ҳамда Бухоро вилояти Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгаши билан келишилган ҳолда белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритилишини таъминласин. 17. Ўзбекистон автомобиль транспорт агентлиги, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, Давлат божхона қўмитаси Бухоро вилояти ҳокимлиги билан биргаликда бир ой муддатда “Бухоро-агро” ЭИЗ иштирокчиларига ўз вақтида ва сифатли хизмат кўрсатиш учун логистика марказларини ҳамда божхона постларини қуриш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин. 18. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги: Ўзбекистон Республикасининг Туркия Республикаси, Корея Республикаси, Германия Федератив Республикаси, Испания Қиролиги, Исроил давлати, Россия Федерацияси, Хитой Халқ Республикасидаги элчихоналар ҳамда республиканинг хорижий давлатлардаги бошқа дипломатик ваколатхоналари зиммасига “Бухоро-агро”

ЭИЗ ҳудудида лойиҳалар, жумладан, замонавий энергия тежовчи иссиқхона ҳўжаликларини ташкил этиш бўйича лойиҳалар амалга ошириш учун хорижий инвесторлар, шунингдек, хорижий кредит линияларини жалб этишга қўмаклашиш мажбуриятини юқласин; Бухоро вилояти ҳокимлигининг бюртмаларига биноан “Бухоро-агро” ЭИЗ ҳудудида яратиладиган замонавий иссиқхона ҳўжаликларини ташкил этиш бўйича ишга жалб қилинадиган хорижий мутахассислар учун кириш визалари консуллик ҳамда бошқа йўғимлар ундирилмасдан, белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин. 19. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Бухоро вилояти ҳокимлигининг бюртмаларига биноан “Бухоро-агро” ЭИЗ ҳудудида яратиладиган замонавий иссиқхона ҳўжаликларини ташкил этиш бўйича ишга жалб қилинадиган хорижий мутахассисларга давлат божлари ундирилмасдан кўп марталиқ визалар берилиши ва узайтирилишини, шунингдек, уларнинг яшаш жойида вақтинчалик рўйхатдан ўтказилиши ҳамда вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш муддати узайтирилишини белгиланган тартибда таъминласин. 20. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Бухоро вилояти ҳокимлигининг бюртмаларига биноан “Бухоро-агро” ЭИЗ ҳудудида ташкил этиладиган корхоналарда, жумладан, иссиқхона ҳўжаликларига ишлаш мақсадида республикага хорижий мутахассисларни жалб этиш учун белгиланган тартибда рухсатномалар берилишини (муддати узайтирилишини), шунингдек, уларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти ҳуқуқи тасдиқномалар берилишини (муддати узайтирилишини) таъминласин. 21. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги: а) Фанлар академияси, Инновацион ривожланиш вазирлиги, “Ўзбекзиковкатхолдинг” ХК, “Энергия тежаш миллий компанияси” АЖ билан биргаликда икки ой муддатда замонавий энергия тежовчи иссиқхона комплексларини (иссиқхоналарни) улар жойлашган ҳудуднинг (жойнинг) ўзига хос хусусиятларидан, иссиқхонанинг иختисослашувидан ҳамда иссиқхона ҳўжалиги самардорлигига таъсир этувчи бошқа омиллардан келиб чиққан ҳолда мақбул шароитларда ташкил этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқсин; б) Фанлар академияси, Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Тошкент давлат аграр университети билан биргаликда: бир ой муддатда иссиқхона ҳўжаликлари раҳбарлари ва мутахассислари учун иссиқхона ҳўжаликларини бошқариш, жумладан, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳамда экспорт қилиш масалалари юзасидан туркум ўқув семинарларини ташкил этсин; замонавий иссиқхона ҳўжаликларини ташкил этиш ва ривожлантириш соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларини ҳамда инновацион ишланмаларни рағбатлантириш, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг мазкур йўналишдаги илғор тажрибаси асосида мутахассисларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чораларини кўрсин. 22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси, Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда иссиқхона ҳўжаликларига энергия ресурсларидан фойдаланиш самардорлиги ва оқилоналигини ўрғаниш мақсадида уларни жойига чиққан ҳолда вилоятлар ва туманлар (шаҳарлар) кесимида атрофлик инвентаризациядан ўтказсин, унинг натижалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига мазкур йўналишдаги ишларни тақомиллаштириш бўйича тақлифлар билан бирга ҳисобот киритсин. 23. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин. 24. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари С.Р.Холмуродов, З.Т.Мирзаев ва Бухоро вилояти ҳокими У.И.Барноев зиммасига юқласин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2018 йил 10 июль

Бугун замон ўзгариб, янги қарашлар шаклланиб бораётгани, ҳар бир ислоҳот турмушимиз фаровонлигини янада яхшилашга қаратилаётганлиги барчамизни қувонтиради. Айниқса, давлат идораларининг халққа хизмат қилаётгани одамларнинг ҳаётдан розилигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Жумладан, депутатлар ўз ҳудудидаги маҳалла фуқаролар йўғинида ҳамда ҳонадонларда уйма-уй юриб, аҳолини ўйлантираётган кўплаб масалаларга ечим топишда ҳисса қўшмоқда. Депутат — ўзи сайланган ҳудуднинг вакили. Шундай экан, одамларни ўйлантираётган ҳар қандай муаммони ўз вақтида аниқлаб, уларни бартараф этиш чораларини кўриш унинг асосий вазифасидир. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Миробод тумани 8-“Миробод” сайлов округидан сайланган депутат Умида Рашидова ҳам маҳалла фуқаролари билан юзма-юз мулоқот чоғида кўтарилган қатор масалалар юзасидан тегишли сай-ҳаракатларни амалга оширмоқда. Таълим ва тиббиёт муассасалари, ижтимоий соҳа объектларини жойига бориб ўрғаниб муаммо ҳам ўша ернинг ўзида ҳал қилинмоқда. Масалан, маҳаллада яшовчи

Халқ билан мулоқот ЭЗГУЛИКНИНГ ҚАНОТИ

чилиқ вужудга келтираётганини билдирди. Депутатимиз ушбу масала юзасидан Миробод тумани тиббиёт бирлашмасига “Миробод” МФЙда аҳоли учун бепул тиббий кўрик ўтказиш ташаббуси билан чиққан, тор доирадаги тиббиёт мутахассислари ёрдамида аҳоли тиббий кўриқдан ўтказилди. Туман кўп тармоқли марказий поликлиникасини

салар, ногиронлар, сурункали касалликларга чалинган беморлар ҳамда ўзгалар кўмагига ва ижтимоий ёрдамга муҳтож шахсларга малакали тиббий хизмат кўрсатилди. Ойлада тиббий маданиятни ошириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тўғри овқатланиш қоидаларига риоя этиш ва ирсий касалликларни келтириб чиқарадиган омиллар бўйича маълумот

лар ҳамда ўқув қўлланмалар аҳолига тарқатилди. Эзгуликнинг қаноти бор, деганларидек, савоб ва саховатга йўғрилган ишлар бошқа соҳа вакилларини ҳам ташаббускор бўлишга ундамоқда. Жумладан, аҳолига янада қулайлик яратиш мақсадида шифокорларимиз ташаббуси билан уларнинг қабул жадваллари шакллантирилиб, “Фитобар” бурчаги ташкил этилди. Ташриф буюрганларга шифобахш дамламалар улашилди. Бир сўз билан айтганда, муружатларимиз эътиборсиз қолиб кетмаётганидан миннатдорمиз. Бунда маҳалламиз билан ҳамнафас, ҳамфикр бўлиб, мавжуд муаммоларни бартараф этишни нафақат ваколати, балки одамийлик бурчи деб билган депутатимиз У.Рашидованинг хизмати муҳим омил бўлмоқда. Давлатимиз раҳбарининг: “Одамлар дарду ташвиши билан яшаш инсонийликнинг энг олий мезонидир” деган улуғвор ғоясини қалбига муҳрлаган шундай фидойилар сафи янада кенгайсин, дея ният қиламиз. Раъно КАРИМОВА, “Миробод” маҳалла фуқаролар йўғини котиби

СОЛИҚ СИЁСАТИ

У БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасида Президентимизнинг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини тақомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги фармони мазмун-моҳияти ва аҳамиятига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди, дея хабар беради ЎЗА.

Унда депутатлар, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, олимлар, экспертлар ва мутахассислар иштирок этди.

Тадбирда мамлакатимиз иқтисодий ҳаётида олиб борилаётган тизимли ислоҳотлар, амалга оширилаётган ўзгаришлар ва янгиланишлар натижасида қисқа давр мобайнида соҳада мавжуд камчиликлар ва иш услублари танқидий қайта кўриб чиқилиб, янгилангани, бу йўналишда асосий эътибор амалий самарадорлик ва натижадорликка эришиш ҳамда инсон манфаатларини таъминлашга қаратилгани таъкидланди.

Депутатлар солиқ юкини камайтириш, солиқ маъмуриятчилигини яхшилаш ва солиқ солиш тизимини соддалаштириш ҳамда уларнинг йўғилувчанлигини ошириш борасида жиддий ўзгариш ва янгиланишлар амалга оширилаётганини қайд этган ҳолда, жойлардаги ҳақиқий ҳолатни ўрғаниш жараёнида солиқ тизимида тадбиркорлик субъектлари ва аҳолини қийнаётган муаммолар ҳамда ечимини қутаётган қатор масалалар мавжудлигига ҳам эътибор қаратилди.

Тадбирда давлатимиз раҳбарининг фармони айнан шу масалалар ечимига, хусусан, мавжуд тизимли муаммоларни бартараф этишга, Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни, яъни солиқ юкини иқтидор билан камайтириш орқали миллий иқтисодиётни жадал ривожлантиришга, бизнес юритиш муҳитини ва мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини яхшилаш ҳамда соғлом рақобат муҳитини таъминлашга хизмат қилишини айтиб ўтилди.

Эътироф этилганидек, фармонда кичик ва йирик бизнес ўртасидаги солиқлар фарқини бартараф этиш, юридик шахсларнинг фойдасидан солиқ тўлаш принципларини жиддий ўзгартириш, дивидендлар ва фойзалар кўринишидаги даромадлар бўйича тўлов манбаидан ушлаб қолинадиган фойда солиғи ставкасини пайсаятириш ҳамда меҳнатга солиқ юкини кескин қисқартириш каби аҳоли даромадларини ошириш билан бевосита боғлиқ чора-тадбирлар кўзда тутилган. Бу эса халқимиз турмуш фаровонлигини янада оширишга ва барқарор иқтисодий тараққиётни таъминлашга хизмат қилади.

Депутатлар кун тартибидаги масала юзасидан Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг тавсиясини қабул қилдилар.

И.АХАТОВА

ЭНГ ФАОЛ ЁШ КИМЁТАР

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси томонидан “Йилнинг энг фаол ёш кимётари” танловининг республика босқичи ўтказилди. Унда тармоқ тизимидаги корхона ва ташкилотларда голиб бўлган 10 нафар ёш кимётар ўз ихтиролари тақдими билан иштирок этди.

Мазкур танловни ўтказишдан кўзланган мақсад ёшларнинг ҳар томонлама етуқ мутахассис бўлиб камол топиши, ўзи танланган касба нисбатан ҳурмат ва фахр туйғусини шакллантириш, инновацион ғоя, лойиҳа ва технологияларини ҳаётга татбиқ этиш орқали янги иш ўринларини яратишдан иборат. Танловда ёш мутахассисларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилган янги лойиҳалари, инновацион ишланмаларининг республикамиз иқтисодиётини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси асосий мезонлардан бири бўлди. Шунингдек, ёш мутахассислар томонидан амалга оширилаётган илмий изланишларнинг долзарблигига алоҳида эътибор қаратилди.

“Навийазот” акциядорлик жамияти ишлаб чиқаришни мувофиқлаштириш ва маҳаллийлаштириш бўлими бошлиғи Хотам Ериев биринчи ўринга лойиқ деб топилди. Танлов янги имкониятлар эзгинини очишда катта аҳамиятга эга, — дейди Ҳ.Ериев. — Ғояларимизни амалга оширишда, Узоро тажриба алмашишда кенг майдон вазифасини ўтамоқда. Уйлайманки, бизнинг тадқиқотларимиз келгусида юртимиз фаровонлигига хизмат қилади.

“Фарғонаазот” акциядорлик жамияти илмий ривожлантириш бошқармасининг ташаббус гуруҳи етакчи мутахассиси Отабек Мадаминов иккинчи, “Максам-Чирчик” акциядорлик жамияти каталаизатор цехи бошлиғи Арсен Алиев ҳамда “Дехқонобод калий заводи” маъсулияти чекланган жамияти янги инновацион ғоялар ва технологиялар хизмати инновация бўйича муҳандиси Муродилла Пулатов учинчи ўринни эгаллади. Барча иштирокчиларга рағбатлантирувчи совғалар тақдим этилди.

Н.НАСРИЕВ, ЎЗА муҳбири

**Ўзбек киножодкорлари томонидан суратга олинган "Чимилдиқ" фильми ёхуд шу асар спектакли кўпчилиكنинг қалбидан жой олган. Ўшанда ёш келин момосига: "Ўқимоқчидай, шоира бўлмоқчидай..." деб ёзилади, йиғлайди.**

Алам билан айтилган бу сўзларда катталарнинг қарорига норозилик, ўз мақсадини уларга уқтира олмагани акс этган.

Ривожланиб бораётган, ёшларга кенг имконият ва шарт-шароитлар яратилаётган, эрта турмушнинг салбий оқибатлари ҳақида тушунтириш-тарғибот ишлари мунтазам олиб борилаётган бугунги кунда ҳам бу каби иллатлар намўн бўлиб турибди.

"19 ёшдаман. Шу ёшда турмуш куриб, ажрашишга ҳам улгурдим. Уқитувчи бўлишни истаганман. Мактабни аёло баҳолар билан битиргач, ота-онам ўзим хоҳлаган коллежда ўқишимга руҳсат бермади. Онам турли баҳоналар қилиб, дарсларга юбормас, китоб-дафтарларни ҳам дугоналаримдан олардим. Икки синглим ва битта уктам буй чўзиб келаётганини баҳона қилишарди. Ўқушни турсан-битгани ҳажажат эканини тақдорлашдан чарчамасдилар. Аслида эса кизларни узатиш масаласи ўртага чиққанда кўша-кўша мебеллар, сарполар қилиш ҳақида ўйлашарди. Мени унаштиришди. Сарпо-сурғи жойида бўлган "ўзига тўқ келиннинг" тўйи ҳақида етти маҳалла эшитди. Аммо ҳеч ким менинг орзуларим, ўй-хаёлларим, ёшим билан қизиқмади.

Кўёв ҳам мендан атиги икки ёш катта эди. Биз олти ой бирга яшадик. Бунга менинг оилага тайёр эмаслигим, ёрлигим, тажрибасизлигим сабаб, деб биларман. Аммо турмуш ўроғимнинг қатъиятсизлиги, оила боши бўлиш, уни тебратиш, мураса қилишни билмаслигим ҳам турмушимиз бузилишига олиб келди. Биз иккимиз ҳам турмушнинг "мушт"ларига ҳали тайёр эмаслигимиз, катталарнинг эса кўзи бойликни кўриб, фақат пул ҳақидаги гапларни эшитгани тақдиримизга салбий таъсир кўрсатди."

Бу сурхондарёлик Лайло Аъзамхўжаеванинг катталарнинг шошқалоқ билан қилган хатоси, ўзининг эса ёшлик қилганидан пуймаймон.

У ҳозирда отасининг савдо объектда сотувчилик қилмоқда. Агар катталар фарзандларининг орзу-истаклари, ўй-хаёллари билан озгина қизиқишганида, фақат ўзим ҳақман, деган шошқалоқ ва хато фикрдан йироқ бўлганда эди бугун икки инсон ҳаёти бу қадар мураккаблашмаган бўларди. Улар аламзадалик, ҳаётдан норозилик кайфияти ўрнига шодон ва бахтиёр оила куриш имкониятига эга бўлиши мумкин эди.

Ота-она фарзанднинг камолини кўриш, уларнинг бахту саодатига шерик бўлиш учун туну кун меҳнат қилади, олиб-югуради. Афсуски, ораимизда фақат ўз сўзини тўғри, ҳатти-ҳаракатларини эса оқилона ва одилона деб ўйлайдиган катталаримиз ҳам бор. Бундай феъл-атворга эга оила бошилари эса ўз фарзандларининг бахтсизлиги, кўнгли ўқиб бўлишига сабабчи бўлмоқда.

Ўқимишли, хунарли, мустақил фикрга эга, оиласида бахтли тенгдошларини кўриб, Лайло каби кизларнинг кўнгли бузилмайдими? Нотўғри қарор асосида

## ЎЗ ВАҚТИДА ТУРМУШ ҚУРИШ – ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИ АСОСИ

оила қурган, аммо уни сақлаб қолишга ҳам сабр-қаноат, куч, имконият топа олмаган шундай йигит-қизларнинг келажаги нима бўлади? Уларнинг ҳаммаси ҳам ўз йўлини топиб кета оладими?

– Ўғлимни 18 ёшида ўзи истаган кизга уйлантирдик, – дейди Миробод туманида яшовчи Сайёра Эргашова. – Келиним иккиси тенгдош. Ақлли, эсли-хушли, чакқонгина. Аммо у биринчи ҳомилидан ажралган тушқунликка тушиб қолди. Ўзини кўлга олиши билан кечди. Ўғлим билан тез-тез тортишар, жаҳли чиққанда ўз жониға қасд қилиш даражасигача борарди. Бир ўлимдан қолди. Бошида мен ҳам бу жиддий эканини англамабман. Аммо кетма-кет уч ҳомилидан айрилди. Сўнг руҳшунос ва шифокорлар ёрдами билан соғлом ҳаётга қайтди. Шундангина бу ёш турмуш қургани билан боғлиқ эканини, ўзини эркин, мустақил турта олган ёш келимининг оиламизга мослашиши қийин бўлганини билдим.

Мутахассисларнинг фикрича, эрта турмуш куриш ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳдан ногирон фарзандлар туғилиши, бепуштлиқ каби нохуш оқибатлар кўп ҳолларда муқаддас оила қўроғининг бузилишига олиб келади. Оила куриш, турмуш аравасини тортишга тайёр бўлмаган икки ёш соғлом фарзандларни ҳам дунёга келтира олмади, оиланинг бахти-

ёр ва мустаҳкам бўлиши ҳам гумон.

Скрининг текширувлари натижалари шуни кўрсатмоқдаки, болалардаги турли хил аномалиялар, айниқса, асаб тизими ва генетик нуқсонлар айнан қариндошлар ўртасидаги никоҳ туғайли юзага келмоқда. Бугунги даврда кўпчилик эрта турмуш, қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатларини билади. Аммо бу менга тегишли эмас, деган хато фикрни олға суради. Натижада носоғлом фарзандлар дунёга келади, оилалар ўртасида совуқчилик пайдо бўлади, ёш келин-кўёв руҳий тушқунликка тушади. Оилалар барбод бўлади.

Кизлар, аввало, бўлғуси она, насл давомчилари. Шубҳасиз, киз бола соғлом, билимли, замонавий касб-хунарга эгаси бўлса, у қурайдиган оила ҳам, бу оиланинг меваси бўлмиш бола ҳам соғлом ва бахтли бўлади.

Оила соғлом ва бахтли бўлса, бутун жамият барқарор ва фаровон ривожланади. Шундай экан кизларни касб-корли қилиш, уларни ҳаётнинг аччиқ-чучуғига тайёрлаш, масъулият борасида йигитларни ҳам тўғри йўлга бошлашни бугунги даврнинг ўзи талаб этмоқда.

– Юртимиздаги барча олий таълим муассасаларида ҳудудий хотин-қизлар кўмиталари билан ҳамкорликда "Кизларжон" клуби ва "Ёш оила мактаблари" фаолият олиб боради, – дейди Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги "Маънавият ва маърифат" маркази мутахассиси Шахло Ахророва. – Клуб ва мактаб томонидан ташкил этиладиган тарғибот-ташвиқот тадбирларида малакали профессор-ўқитувчилар билан бирга "тенгдош-тенгдошга" лойиҳаси доирасида ташаббускор, билимли, муваффақиятларга эришадиган кизлар ҳам фаол иштирок этади. Бу тадбирлар самара бермоқда. Аммо таълимнинг қийин бугунги даврда айни жиҳатларга эътибор қариши лозим. Олий таълим тизими даврда йигит-қизларни ҳулқий назорат қилиш мумкинлиги, аммо мактабнинг юқори синфида, коллеж ва лицей даврида эрта никоҳ масалаларига жиддий ёндашиш мумкин, деб ўйлайман.

Бугунги кунда фарзанднинг келажаги учун энди фақат ота-онанинг ўзигагина эмас, балки таълим муассасаси, маҳалла, керак бўлса бутун жамият жавобгардир.

Катталар бугун "фарзандим турмуш куришга тайёрми?" деб, ёшлар эса ўзидан "оила куришга тайёрманми?" деб қайта-қайта сўраши лозим. Шундангина тўғри фикр юзага чиқади. Қасалликни даволагандан кўра, унинг олдини олган афзалдир.

(ЎЗА)

## "ЁШЛАР ҚАНОТИ" ФАОЛИЯТИ КУЧАЙТИРИЛАДИ

**Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси томонидан ёшларни маънан баркамол этиб тарбиялаш, уларни турли оқимлар ва ёт ғоялар таъсиридан асрашнинг устувор вазифаларига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.**

Президентимизнинг ёшлар билан манзилли ва тизимли ишлаш, улар учун муносиб шароитлар яратиш, бандлигини таъминлаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишидаги маърузасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан ташкил этилган тадбирда партия фаоллари, "Ёшлар қаноти" аъзолари ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Давра суҳбатида "Yoshlar – kelajagimiz" Давлат дастури ижросини таъминлаш, ёшларни маънан баркамол этиб тарбиялаш, уларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш ва ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш бўйича партия "Ёшлар қаноти" фаолиятини такомиллаштириш масаласи муҳокама этилди.

Белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида партия "Ёшлар қаноти"га ҳудудларда ёшлар билан маънавий-маърифий йўналишидаги ишларни янада жонлантириш, уларни музей, театр ва бошқа маданий-маънавий масканлар, спорт мусобақалари, илм-фан, амалий санъат тўғрисидаги фаол жалб этиш орқали бўш вақтини мазмунли ўтказишни ташкил этиш вазифалари юкланди.

Шунингдек, давра суҳбатида вояга етмаган кизлар ўртасида эрта турмуш куриш билан боғлиқ муаммолар муҳокама этилди. Бу каби салбий ҳолатларнинг олдини олишда партия "Аёллар қаноти"га ўз фаолиятини такомиллаштириш ва аниқ чора-тадбирларни белгилаб олиш вазифаси топширилди.

(ЎЗА)

## ДЎКОНДА ҲУШЁР БЎЛАЙЛИК

**Одатда кўпчилик дўконга кирганда, харид қилаётган маҳсулотнинг қадоқланishi, ёрлиғи, ишлаб чиқарилган санаси, яроқлилик муҳимдир. Эътибор эътибор бермайди. Ё ҳафса қилмайди, ёки сотувчига ишониб қўя қолади.**

Танганинг икки томони бўлганидек, аксига олиб, сотувчи ишлаб чиқарувчидан олаётганда бунга эътибор бермаган бўлиши мумкин. Унга ишонган бўлиши ҳам ҳақиқатга яқин.

Натижада сифатсиз маҳсулот харид қилинади. Агар бу озиқ-овқат бўлса-чи? Унда одамлар саломатлиги ҳавф остида қолади.

Озиқ-овқат ва истеъмол маҳсулотининг сифати бўлиши кўп жиҳатдан маҳсулотнинг қай тарзда сақланишига, бозор растасидан то харидор хонадонига кириб, истеъмол қилингунга қадар ўтган вақтга, ўз навбатида маҳсулотнинг таркиби, сифатига боғлиқ. Шу боис истеъмол маҳсулотлари яхши сақланмаса, таркиби ўзгариб, тез айни қўлиши мумкин. Айрим маҳсулотлар борки, ҳатто музлаткичда ҳам сақлаб бўлмайди.

– Онам пойтахтимиздаги Республика иختисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббий марказида даволанаётган вақтда, ўша шифохона яқинидаги савдо дўконида егуликлар олишимга тўғри келди, – дейди сирдарёлик Гулчехра Худойназарова. – Шифохонага келиб, нон маҳсулотлари сирасига кирувчи шириликнинг сифати бузилгани, ейишга яроқсиз эканини кўргач, куннинг иккинчи ярмида қайтариб олиб бордим. Аммо сотувчи буни тан олмади. "Балки биздан олганандирсиз", деган жавобни берди. Ўша пайтда пулни ҳам олмасдан жаҳл қилиб чиқиб кетгандим. Энди билсам, хато қилган эканман. Қеракли ташкилотларга мурожаат қилсам, бошқалар саломатлигини биров бўлса, да Ҳимоя қилган бўлармидим, деб ўйлаб қолам.

Сотувчи харидорга савдо маҳсулотининг чекини бериши, бермаган тақдирда, харидор ундан талаб қилиши лозим. Шунда ўз ҳуқуқларини Ҳимоялаган бўлади.

– Тошкент марказий универмаги атрофидаги дўконларнинг бириндан сўт маҳсулоти олгандим, – дейди Азиза Ашурова. – Кейин унинг истеъмолга яроқсиз эканини билиб, сотувчига қайтариб бердим. У пулимни қайтарди. Шу тарихда дўконга икки марта чиқиб келишга тўғри келди, вақт кетди. Эътиборлироқ бўлганимда ёки сотувчи ҳам ўз маҳсулотининг яроқлилик мuddати бир қараб қўйганида, оворагарчиликка ўрин йўқ эди.

– Баъзи маҳсулотларнинг ёрлиғига сақлаш мuddати "30 кун", "6 ой", "1 йил" каби ёзувларни кўрамиз, – дейди Рамазон ота Пўлатов. – Аммо ишлаб чиқарилган санаси кўрсатилмайдими. Қачон чиқганини билмаганидан кейин мuddатини билишининг нима кераги бор. Бу асосан озиқ-овқат маҳсулотларига тегишли. Ишлаб чиқарётганда нимани ўйлашди, билмадим. Шунинг учун ҳақиқия ишлаб чиқарилган санаси, яроқлилик мuddати кўрсатилган егуликлариникина сотиб олишга ҳаракат қилган.

Барно МЕЛИКУЛОВА, ЎЗА мухбири

## ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ ИСТИҚБОЛИ ҚАНДАЙ?

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази билан ҳамкорликда "Ўзбекистон Республикасида амалга ошириладиган маъмурий ислохотлар Концепцияси шариоитида фуқаролик жамияти институтларини ривожланишининг истиқболлари" мавзусида конференция ўтказилди, дея хабар беради ЎЗА.**

Унда сенаторлар, депутатлар, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, экспертлари иштирок этди.

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда 9 мингдан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритмоқда ва улар демократик кадрларни Ҳимоя қилишда мўхим омил бўлмоқда.

Конференцияда Ўзбекистон Республикасида амалга ошириладиган маъмурий ислохотлар Концепциясининг янги тизимни шакллантиришдаги ўрни ва роли, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги долзарб муаммоларни ҳал этишда ННТнинг фаолияти каби масалалар муҳокама қилинди.

– Юртимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришга доир 200 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси биринчи йўнали-

шининг учинчи боби бевосита жамоатчилик бошқаруви масаласига бағишланган, – дейди Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Жаҳонгир Широнов. – Бугунги тадбирда ҳам давлат органлари билан нодавлат ташкилотларнинг ижтимоий ҳамкорлигини янада кучайтириш мақсадида бир қатор тақлиф ва мулоҳазалар ишлаб чиқилди.

Конференцияда мамлакатимизни ривожлантиришнинг ҳозирги даврида фуқаролик жамияти институтларининг фаоллиги сезиларли даражада ошгани қайд этилди. Шу билан бирга, нодавлат ташкилотларнинг долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ечишдаги иштироки чегараланаётгани, ижро ҳокимияти органларининг фаолияти ҳамиша ҳам очик ва шаффоф эмаслиги, жамоатчилик назорати механизмнинг заифлиги бюрократия ва коррупциянинг турли кўринишларига олиб келиши таъкидланди.

И.АХАТОВА

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Учтепа тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат қорхонаси томонидан Учтепа тумани, Уйғур кўчаси, 548-й ўчин Ибрагимов Абдумалик Абдумаджитович номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганига сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети томонидан Тавашарова Нигина Собирбековна номига 2008 йилда берилган В№ 358369 рақамли диплом ва диплом иловаси йўқолганига сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

## "ТОШКЕНТ ОҚСОМИ" ВА "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

**Эълонлар шанба ва яшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.**



## КИТОБ – МАЪНАВИЯТ САРЧАШМАСИ

**Ҳозирги кунда мамлакатимизда китобхонлик савиясини ошириш ва мутолаа маданиятини юксалтиришга катта эътибор берилмоқда. Жумладан, Президентимизнинг 2017 йил 12 январдаги "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги фармойиши бу борадаги ишларга дастуруламал бўлмоқда.**

Кунни кеча пойтахтимизда журналист Шўрат Сатторовнинг "Биз галаба қозонамиз" номи китобининг тақдими маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо, шоир Носиржон Жўраев, "BMB Trade Group" компанияси кузатов кенгаши раиси Бекзод Маматқулов, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Фируза Мухамеджонова, филология фанлари номзоди Раҳимбой Жуманиезов, Facebook тармоғидаги "Maslahat.uz" гуруҳи бош маъмури Нилуфар Шерматова китоб ҳақидаги илиқ фикрларини билдиришди.

"Биз галаба қозонамиз" китоби "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили"га бағишлаб ёзилган. Китобда "Фуқаро рақобатбардор ҳамда бугунги замонга муносиб бўлса, орзулари ортидан эътиқод билан борса, ҳаётда ўз ўрнини топишга интилиш ва халққа хизмат қилишни бурчи деб билса, жамият ривожланади, турмуш фаровонлашади", – деган илгор ғоя илғари сурилган.

– Ўзбекистон иқтидорли ёшларга бой мамлакатдир, – дейди китоб муаллифи Шўрат Сатторов. – Мамлакат тараққиётида инсон омилининг ўрни жуда юқори. Бугун давлатимизнинг бош мақсади ёшларга молиявий эркинлик муҳитини яратишдир. Иқтисодий эркинликка эга авлодда мақсад, унга эришишга иштиёқ, зарур феъл-атвор, ҳаракат бўлса, жамиятимиз янада ривожланади. Китоб юртимиз ёшларини ўз орзулари сари эътиқод билан боришга қўрлайди, ҳаётда муносиб бўлишга даъват этади...

Дарҳақиқат, "Биз галаба қозонамиз" деб номланган китобни ўқир экансиз, олдингизга қўйган мақсадга етишиш учун зарур омиллар, орзулар қаршисидаги машаққатларни

Шоҳсанам БЕРДИБЕКОВА

